

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5230600 – Молия  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари


Тошкент



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5230600 – Молия  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» *август* даги 4 - сонли буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</b>	<b>4</b>
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2.	5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
2.	<b>5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>6</b>
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
3.	<b>5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ....</b>	<b>8</b>
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2.	5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	10

## 1. 5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

#### 1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

#### 1.2 5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1 5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолият соҳалари:

5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши – иқтисод соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, давлат бюджети, бюджет параметрлари ҳисоб-китоби, маҳаллий бюджет, газначилик, бюджетдан молиялаштириш, давлат мақсадли фондлари, молиявий режалаштириш, молиявий назорат, молия бозоридаги операциялар, молиявий рискларни бошқариш, ижтимоий таъминот, давлат молияси, корпоратив молияни бошқариш билан

боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

### **1.2.2. 5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Молия Вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, давлат молиявий ресурсларини бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, молиявий фаолият билан шуғулланувчи ва назорат қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, суғурта ва лизинг компаниялари, инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар, бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари, Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, Давлат Божхона Қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатувчи нобанк ташкилотлар, пул муомаласи, касса, ҳисоб-китоб фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар, молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари, молия бозорининг профессионал иштирокчилари, консалтинг фирмалари, бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, биржалар, қўшма корхоналар, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими; молия-банк соҳасига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, муассасалар ҳисобланади.

### **5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:**

- молиявий фаолиятни ташкил этиш;
- молиявий фаолият йўналишлари ва жараёнларини таҳлил этиш;
- молиявий фаолиятини ривожлантириш тамойилларини татбиқ этиш;
- молия ва пул оқимларини бошқариш, тижорат, нотижорат, молия-кредит ташкилотларида, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, нодавлат ва жамоат ташкилотларида молиявий назорат;
- молиявий назорат органлари фаолиятини самарали бошқариш механизмларини жорий қилиш ва ташкил этиш;
- иқтисодий субъектлари молиявий фаолиятини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- молиявий режалаштириш, молиявий фаолият самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш.

### **1.2.3. 5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4 Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:**

- иқтисодий соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

## 2. 5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

### 2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар, уларнинг ривожланиши ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши ва билимларни эгаллаши ҳамда улардан ҳаётда ва ўз касбий фаолиятида фойдалана олиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаши, ўз касбий фаолиятида қарорларни мустақил қабул қила олиши;

- янги билимларни мустақил эгаллаши ва ривожлантириши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзига амал қилиш тасаввури ҳамда эътиқодига эга бўлиши лозим.

#### Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган касб ва лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўшимча касб таълимини олиш учун тайёрланади.

### 2.2. 5230600 – Молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

#### Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- молия ва суғурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишга қатнашиш;

- бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш;

- давлат бюджетини қассали ижро этиш ҳисобини, давлат бюджети ягона ҳисобварағи орқали операцияларни бошқаришни, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан ўрнатилган тартибда қассали ижро этишни амалга ошириш;

- корпоратив молиявий стратегияни ишлаб чиқиш, баҳолаш усулларини билиш ва қўллаш;

- Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни прогнозлаш, лойиҳасини тузиш ва ижро этиш босқичларида давлатнинг молиявий назорат усуллари ва механизмини билиш;

- хўжалик юритувчи субъектлари бўйича назорат ва молия органларининг молиявий назоратини амалга ошириш;

- давлат ва маҳаллий молия соҳасини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолият самарадорлигини ошириш ва молиявий рискларни бошқариш йўлларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- молия соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

- давлат ва корпоратив тузилмалардаги молиявий фаолиятни ташкил этиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари ва норматив талаблар асосида таҳлил қилиш;

- молия тизими ва унинг барқарорлигини таъминлаш, давлат бюджетининг самарали ижроси, давлат кредити, бюджет дефицити ва профитцитини бошқариш ва уларнинг ўзгариш анъаналарини таҳлил қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш, мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инвестицион фаолликни ошириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолиятни ташкил этишга доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

- молиявий хизматлар кўрсатишда дастурий комплекслар ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- давлат ва корпоратив тузилмалар фаолиятида молиявий бошқарувнинг тартиб ва тамойилларини билиш;

- молия тизимига доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув тамойилларини билиш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолиятни ташкил қилиш ва самарали бошқариш;

- молияни бошқариш стратегиясини билиш ва амалиётда қўллаш олиш;

- молиявий фаолиятга доир муаммоларини аниқлаш ва ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

- бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни ташкил этиш ва тайёрлаш, бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш

- хўжалик юритувчи субъектлари бўйича назорат ва молия органларининг молиявий назоратини амалга ошириш;

- функционал фаолияти бўйича иш режасини тузиш, унинг ижроси мониторингини юритиш ва натижаларини баҳолаш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолиятининг халқаро ҳамда миллий стандартларга мослигини аниқлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда молия тизими ва унинг таркибий бўғинларининг ривожланиш кўрсаткичларига баҳо бериш, соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишлари моҳиятини тушуниш ҳамда аниқланган муаммолар ечимини ишлаб чиқиш;

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб, ноанъанавий услубларни қўллаш олиш;

- тадқиқот мавзуси доирасида илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни тизимлаштириш;

- илмий-тадқиқот натижалари ва янгиликларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан асосланган таклифлар лойиҳасини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий- амалий машғулотларни ўтказиш;



– ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **3. 5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5230600 – Молия** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малакавий амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид қатор масала ва муаммолар бўйича мустақил таълим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мос равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

#### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассаси томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган дастлабки олти фанларнинг мазмуни умумий талаблар асосида белгиланади.

#### **Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;

- математиканинг чизикли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;

- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;

- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

#### **Умумкасбий фанлар блоки:**

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий назарий-амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

- иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

- корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни

ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

- менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

- бухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик ҳуросаси ва ҳисоботини тузиши;

- корпоратив молияни бошқариш механизминини билиши, молиявий таъминотни ва инвестиция фаолиятни ташкил этиши, молиявий рискларни бошқариши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари ҳамда суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари ҳамда молиявий ҳисобот тузишни билиши лозим;

#### **Иқтисослик фанлар блоки:**

- соҳа бўйича махсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;

- молиянинг назарий-амалий асосларини чуқур ўрганиши;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий муносабатларни ташкил этиш ва тартибга солиш, молиявий ресурсларни жалб қилиш ва уларни самарали бошқариш бўйича малакага эга бўлиши;

- молиявий режалаштириш, молиявий назорат ва рискларни бошқариш усуллари ва йўналишларини таҳлил этиши, молиявий бошқарув тизимини такомиллаштириш, молиявий ресурслар ва пул оқимларни бошқаришни ташкил этишни ўрганиши;

- давлат бюджетининг тузилиши, бюджет тизими, бюджет даромадлари шаклланиши ва харажатларини амалга ошириш тартибинини, бюджет жараёни, бюджет назорати, давлат кредитининг бошқариш усуллари ва йўналишлари, норматив талаблар ва кўрсаткичларни билиши;

- халқаро молиянинг асосий функциялари, молиявий глобаллашув, халқаро молия ташкилотлари ва институтлари, хорижий инвестиция ва кредитлар, тўлов балансининг ҳолати, халқаро валюта муносабатлари, валюта операциялари, халқаро ҳисоб-китоб шакллари халқаро молия бозори, иқтисодий интеграциянинг асосий йўналишларини назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- молиявий режалаштириш ва назорат қилиш усулларини, давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий назоратни ташкил этиш методларини ва халқаро стандартларини билиши;

- молиявий жараёнларнинг дастурий таъминоти уларни амалга оширишнинг метод ва моделлари, бюджет жараёни, пул оқимларини бошқариш ва молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг дастурий маҳсулотларидан самарали фойдаланиши, молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлигини таъминлашни билиши;

- пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истикболини марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пасив банк операцияларини қўлдай олиши;

- корпоратив тузилмаларда молиявий менежментни ташкил этиш ва бошқариш механизми, лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва инвестиция фаолиятни ташкил этиш, молиявий рискларни бошқаришни билиши;

- инвестиция ва инновация жараёнларининг босқичлари, инвестиция муҳити ва инвестиция сиёсатининг хусусиятлари, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, инновация ва инновация фаолиятини бошқариш ҳамда лойиҳаларини молиялаштириш кўникмасига эга бўлиши;

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

### **Кўшимча фанлар блоки**

- таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар жадал ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

### **Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### **3.2. 5230600 – Молия бакалаврият таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.**

5230600 - Молия бакалаврият таълим йўналишида малакавий амалиёт қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- битирув олди.

**Ўқув-танишув амалиёти** - талабаларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Хусусан, молия тизимида фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- Ўзбекистон Республикасида молиявий фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- молия тизими ва унинг таркибий қисмлари, фаолият йўналишлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, Низомлар ва йўриқномалар, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар, бюджет параметрлари тўғрисидаги умумий маълумотлар;

- Ўзбекистон Республикасининг молиявий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурлари;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий жараёнларни самарали ташкил этиш ва назорат қилиш, молиявий режалаштириш ва прогнозлаш;

- давлат бюджети даромад ва харажатларини шакллантириш, бюджет ижроси ва назоратини ташкил этиш;

- давлат ички ва ташқи қарзларини бошқариш;

- маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини ошириш, ижтимоий таъминот, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари;

- молия тизимини ривожлантириш ва молиявий салоҳиятни юксалтириш юзасидан кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида молия тизими ва унинг таркибий бўғинларида мустақил ишлаш кўникмаларини қарор топтириш мақсадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашини таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- молия тизими ва унинг таркибий бўғинларида молиявий режалаштиришни ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- давлат ва корпоратив тузилмалардаги молиявий кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш;

- молия органлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг дастурий комплексларидан фойдаланиш;

- бюджет жараёни ва уни ижросини таъминлаш механизмини комплекс таҳлил қилиш;

- давлат ва корпоратив тузилмалар фаолиятига таъсир қилувчи молиявий рискларни аниқлаш, уларнинг таъсирини баҳолаш ва бошқариш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий кўрсаткичлари аниқлаш, молиявий ҳисоботларини шакллантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг молиявий жиҳатларини таҳлил этиш ва баҳолаш;

- молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг узок муддатли мақсадли дастурларини амалга ошириш бўйича кўникмаларни эгаллашига қаратилган.

**Битирув олди амалиётида** талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, молия тизими ва унинг таркибий бўғиноаридаги мавжуд муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;

- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;

- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолиятни самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича илмий-амалий фаолият орқали молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни химоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутлади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

- кадр тайёрловчи факультет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;

- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;

- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:**

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

### **3.2. 5230600 – Молия бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 58,8 %;
- аттестация - 8,8 %;
- таътил - 15,7 %;
- малака амалиёти - 14,7%;
- битирув малакавий иши - 2,0%.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - 25,64 %;
- Умумқасбий фанлар блоки - 40,28 %;
- Ихтисослик фанлар блоки - 28,83 %;
- Қўшимча фанлар 5,25 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-9 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002-651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**


молия, молиявий сиёсат, молия тизими, давлат молияси, корпоратив молия, молиявий назорат, молиявий ҳисоботлар, молиявий кўрсаткичлар, молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш, пул оқимларини бошқариш, молиявий менежмент, корхоналар молияси, корхоналарда ҳисоб-китоб тизими, давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, бюджет жараёни, бюджет тизими, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари, суғурта, ижтимоий таъминот, давлат кредити, халқаро молия, тўлов баланси, валюта операциялари, халқаро ҳисоб китоблар тизими, молия бозори, уй хўжаликлари молияси, корпоратив молия, бюджет ҳисоби, инвестицияларни молиялаштириш, инвестиция ва инновациялар, ахборот-технологиялари, банк операциялари, ахборот тизимлар, дастурий комплекслар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, назария.

**5230600 – Молия йўналиши бўйича таълим  
дастурининг тузилиши**

<b>Т/р</b>	<b>Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари</b>	<b>Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда</b>
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий-илмий фанлар</b>	<b>1662</b>
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	172
1.09	Иқтисодчилар учун математика	348
1.10	Эконометрика	90
1.11	<i>Танлов фанлари</i>	<i>70</i>
<b>2.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>2610</b>
2.01	Қасбий психология	100
2.02	Иқтисодиёт назарияси	328
2.03	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	268
2.04	Статистика	236
2.05	Менежмент. Маркетинг	200
2.06	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	236
2.07	Молиявий таҳлил	224
2.08	Аудит	236
2.09	Солиқлар ва солиққа тортиш	224
2.10	Суғурта назарияси ва амалиёти	224
2.11	Бюджет ҳисоби	126
2.12	<i>Танлов фанлари</i>	<i>208</i>
<b>3.00</b>	<b>Иқтисослик фанлари</b>	<b>1868</b>
3.01	Молия	638
3.02	Давлат бюджети	196
3.03	Молиянинг дастурий комплекслари	90
3.04	Халқаро молия	128
3.05	Инвестиция ва инновациялар	228
3.06	Пул ва банклар	228
3.07	Молиявий менежмент	166
3.08	<i>Танлов фанлари</i>	<i>194</i>
<b>4.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>340</b>
	<b>Жами</b>	<b>6480</b>
	Малака амалиёти	1620
	Битирув малакавий иши	216
	Аттестациялар	972
	<b>Жами</b>	<b>2808</b>
	<b>Хаммаси</b>	<b>9288</b>

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент молия институти  
Ректор  Н.Хайдаров  
2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Давлат бюджети бош бошқарма  
бошлиғи ўринбосари \_\_\_\_\_



Қ.Усмонов

201\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази



Директор  проф. Б.Х.Рахимов

2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Тошкент Давлат иқтисодиёт университети  
Ректор  Б.Ходиев

2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Ректор  М.Пўлатов

2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_





Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги

Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлиғининг биринчи ўринбосари \_\_\_\_\_

Д. Пулатов

201\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



**5230600 – МОЛИЯ бакалаврият таълим йўналиши ва 5A230601 – ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ, 5A230604 – ҲАЛҚАРО МОЛИЯ магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)*	шифри	номи	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
1		5230600	Молия	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;</li> <li>• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуктаи назарга эга бўлиши;</li> <li>• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;</li> <li>• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, аъроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;</li> <li>• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;</li> <li>• тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;</li> <li>• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;</li> <li>• хорижий тилларни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;</li> <li>• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• фан ва иқтисодий соҳадаги таълим йўналиши бўлиб, у давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, касса, ҳисоб-китоб, ғазначилик иши, бюджетдан молиялаштириш, молиявий назорат, молия бозоридаги операцияларни юритиш, бюджет ташқари фондлар фаолиятини ташкил қилиш, пенсия иши, давлат молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ кўникмаларига эга бўлиши лозим.</li> <li>• республика даражасида молияни бошқариш: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, вазирликлар, давлатнинг мақсадли жамғармалари; агентликлар ва идоралар;</li> <li>• маҳаллий даражада: Ўзбекистон Республикаси ҳукумагининг ижро этувчи органлари, бюджетдан ташқари жамғармаларининг минтақавий ижроия дирекциялари;</li> <li>• давлат молиясини назорат қилувчи ва тафтиш органлари назорати;</li> <li>• молия ва пул оқимларини бошқариш, шунингдек, тижорат, ноғижорат, молия-кредит ташкилотларида, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, нодавлат ва жамоат ташкилотларида молиявий назорат;</li> <li>• илмий-текшириш ташкилотларида, нодавлат илмий – тадқиқот фондлари ва ташкилотларда, маслаҳат ва инвестиция компаниялари;</li> <li>• корпорациялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари;</li> <li>• суғурта ташкилотлари, кредит муассасалари ва молия бозори билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.</li> <li>• Ёми мавзуси бўйича маълумотлар тайёрлаш, реферат ва бошқа мустақил иш шаклдаги топшириқларни тузиш;</li> <li>• Илмий мақола ва тезислар тайёрлаш.</li> </ul>
2.	<p style="text-align: center;"><b>Давлат молиясини бошқариш</b></p> <p style="text-align: center;"><b>5A230601</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;</li> <li>- миллий маънавий ва умуминсоний кадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;</li> <li>- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий кийфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;</li> <li>- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;</li> <li>- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;</li> <li>- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;</li> <li>- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиш;</li> <li>- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;</li> <li>- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;</li> <li>- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;</li> <li>- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;</li> <li>- ахборотни тўллаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;</li> <li>- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;</li> <li>- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;</li> <li>- ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиш;</li> <li>- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;</li> <li>- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;</li> <li>- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;</li> <li>- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;</li> <li>- давлат, нодавлат ва ногижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.</li> <li>- магистрлик диссертация мавзуси бўйича маълумотлар тайёрлаш, реферат ва бошқа мустақил иш шаклдаги топшириқларни тузиш;</li> <li>- Илмий мақола ва тезислар тайёрлаш.</li> </ul>	
--	--

3.

5A230604

Халқаро молия

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизimini эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий киёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий-тадқиқотларда фойдалана олиш;

- шахснинг инсон, жамият, аτροφ-мухитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;

- ўз фаолиятида меъерий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;

- ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиш, интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим;

- магистрлик диссертация мавзуси бўйича маълумотлар тайёрлаш, реферат ва бошқа мустақил иш шаклдаги топшириқларни тузиш;  
- илмий мақола ва тезислар тайёрлаш.

**Тошкент молия институти Ўқув ишлари бўйича  
проректори**

**И.Кўзиев**

**Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Ғазначилиги бошлиғининг биринчи ўринбосари**

**Д.Пулатов**

**Молия Вазирлиги Давлат бюджети бош бошқарма  
бошлиғи ўринбосари**

**Қ.Усмонов**



*[Handwritten signature]*



*[Handwritten signature]*

Тошкент молия институтининг 5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши, 5A230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5A230604 – Халқаро молия магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги бошлиғининг биринчи ўринбосари Д.Ҳ.Пулатов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиёев, мазкур келишув далолатномасини куйидагилар ҳақида туздик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III-қисми ҳамда 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

2. 5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши, 5A230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5A230604 – Халқаро молия магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Термиз давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5230600 – Молия бакалавриат таълим йўналиши, 5A230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5A230604 – Халқаро молия магистратура мутахассисликлари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари

томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мутахассислари ва турдош ОТМлари профессор-ўқитувчиларининг таклифлари 5230600 – Молия бакалаврият таълим йўналиши, 5A230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5A230604 – Халқаро молия магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини мукамаллаштиришда инobatга олинди.


Юқоридагилардан келиб чиққан холда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.


Тошкент молия институти  
Ўқув ишлари бўйича  
проректори  И.Кўзиев  
201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Ғазначилиги

Бошлигининг  
биринчи  
ўринбосари  Д.Пулатов  
201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Молия Вазирлиги Давлат бюджети бош  
бошқармаси

Бошқарма  
бўлими  
бошлиғи  
ўринбосари  К.Усмонов  
201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.





Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш  
маркази, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари  
билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва  
магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув  
режаларига берилган

## ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги  
“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2018 йил 4 июндаги “2018-2019 ўқув  
йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига  
ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли Қарори, 2017 йил 27  
июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда  
иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш  
чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли Қарори, 2018 йил 5  
июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва  
уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда  
фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида”ги 3775-сонли Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида  
Тошкент молия институти ва Молия Вазирлиги Давлат бюджети бош  
бошқармаси томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассислик-  
лари Классификатори”га мувофиқ таълим йўналишлари ва магистратура  
мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб  
чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
ривожлантириш маркази, турдош олий таълим муассасалари ҳамда  
тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари томонидан  
келишилди.

Малака талабларини ишлаб чиқишда “Молия” бакалаврият таълим  
йўналиши ва унинг негизидаги “Давлат молиясини бошқариш” ва  
“Халқаро молия” магистратура мутахассисликларининг умумий тавсифи,  
қўлланиш соҳаси, касбий фаолиятларининг тавсифи, бакалаврлар ва  
магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар,  
таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича  
магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари,  
таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаси  
ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа  
фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, бакалаврият  
таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги  
юклама ҳажми, иловалар, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар,  
асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

билан келишилганлигини тасдиқловчи муҳр ва имзолар ўз ифодасини топган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот Марказида Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган “Молия” таълим йўналиши ва унинг негизидаги “Давлат молиясини бошқариш” ва “Халқаро молия” магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари кўриб чиқилди ва улар белгиланган меъёр талабларига жавоб беради. Ушбу малака талаблари олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни тайёрладиган кадрларга етказишга мўлжалланган.

Умуман олганда, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган “Молия” таълим йўналиши ва унинг негизидаги “Давлат молиясини бошқариш” ва “Халқаро молия” магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқланиши ва амалиётга татбиқ этилишини мумкин, деб ҳисоблаймиз.

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот Маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, и.ф.н.



Абдувалиев А.А.

